



## THE LEVEL OF STUDY OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF ABU HAFS NASAFI

**Makhsumkhanov Rahmatkhan Ahmadjonovich**

*Doctoral student of the International Islamic Academy of Uzbekistan*

## АБУ ҲАФС НАСАФИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

**Махсумхонов Рахматхон Аҳмаджонович**  
**Ўзбекистон халқаро ислом академияси докторанти**

### Аннотация

Уибу мақолада Абу Ҳафс Насафиининг илмий мероси дунё ва маҳаллий тадқиқотчилар томонидан қай даражада ўрганилгани очиб берилди. Олимнинг илмий мероси ҳар замон ва маконда долзарб бўлгани, турли соҳаларда ижод қилгани боис кўплаб уламолар унинг илмий меросидан фойдаланган ва қайсиdir маънода унинг кенг тарқалишига ўз ҳиссасини қўйшган. Шундай бўлсада, алломанинг барча ёзган асарлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган деган хуносага келинди.

**Калит сўзлар:** Китоб-ул-қанд, Минуфия университети, ал-ақоид-ан-насафия, рисола, тафсириунослик, усул, мерос, шарқшунослик, Миср Маданият маркази.

Қомусий олим Абу Ҳафс Насафиий илмий мероси олим яшаган даврдан тортиб ҳозирги қунимизгача тадқиқотчиларнинг тадқиқот обьекти бўлиб келмоқда. Хусусан, олим билан бир даврда яшаган, лекин у билан учраша олмаган Абу Саъд Абдулкарим Самъоний (в.1167) ўзининг “Китоб ал-ансоб” асарида Абу Ҳафс Насафиининг номини 27 ўринда келтириб ўтган [1;11]. Олимнинг “Китоб ал-қанд” асари мингдан кўп Самарқандлик уламоларнинг ҳаётини ўзида жамлаган бўлсада, кейинги даврда келган табақот ёки библиографик жанрда ижод қилган тадқиқотчилар учун асосий манба вазифасини бажарган. Ҳатто ислом оламида машҳур бўлган Заҳабий [2;126] ва Ибн Ҳажар Асқалоний каби олимлар ҳам ушбу асардан фойдаланганлар. Абу Ҳафс Насафиининг ҳаёти ва илмий меросига эътибор қаратган олимларни қуйидаги тартибда келтириш мумкин: Самъоний “ат-Тахбир” [3;527], Ёқут Ҳамавий “Муъжам-ул-удабо” [4;70-71], Заҳабий “ал-Ибар”[5;102], Ёғиевий “Миръот-ул-жинон”[6;268], Ибн Ҳажар “Лисон-ул-

мезон”[7;327], Довудий “Табақот-ул муфассирин”[8;5-7], Тошқўпирзода “Мифтоҳ-ус-саъодат”[9;127-128], Ибн Имод “Шазарот-уз-захаб”[10;115], Абдулқодир Қураший “Жавоҳиру-л-музия фи табақоти-л-ҳанафия”[11;394-395], Қосим ибн Қутлубоғ “Тожу-тарожим фи табақоти-л-ҳанафия”[12;34-35], Жалолиддин Суютий “Табақоту-л-муфассирин”[13;27], Ҳожи Халифа “Кашфу-з-зунун”[14;247], Абдулҳай Лакнавий “ал-Фавоиду-л-баҳия фи табақоти-л-ҳанафия”[15;149-150], Умар Ризо Каҳола “Муъжам-ул-муаллифин”[16;305-306] каби асарларида Абу Ҳафс Насафиининг илмий мероси ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Кейинги даврларда олимнинг илмий меросига доир тадқиқотлар олиб борилди. Назар Мухаммад Форёбий 1991 йилда Абу Ҳафс Насафиининг машҳур “Китоб-ул-Қанд” асарини тадқиқ этиб нашрга тайёрлаган. Тадқиқотчи асарни нашрга таёrlаш жараёнida библиографик жанрда китоб ёзган олимларни санаб ўтган ва Абу Ҳафс



Насафий “Китоб ал-қанд”ни ёзишда қайси манбаларга мурожаат қилганини келтириб ўтган[17;14].

Яна бир тадқиқотчи Юсуф ал-Ходий ҳам 1999 йилда Абу Ҳафс Насафийнинг “Китоб-ул-Қанд” асарини тадқиқ этиб нашрға тайёрлаган. Тадқиқотчи асарни нашрға тайёрлашда икки қадимий қўлёзмага таянганини алоҳида таъкидлаб ўтган. Бири Париж миллий кутубхонасидаги, иккинчиси Истанбул кутубхонасида сақланган қўлёзма нусхалар эди. Айнан Истанбул нусхасидан Назар Муҳаммад Форёбий фойдаланган. Юсуф ал-Ходийнинг изланишларига кўра Назар Муҳаммад Форёбий қўлёзмадан фойдаланишда бир нечта хатоларга йўл қўйган[18;11].

Дамашқлик тадқиқотчи Холид Абдураҳмон Акк 1995 йилда Абу Ҳафс Насафийнинг “Тилбат-ут-талаба фи-л-истилоҳот-ил-ғиқхий”[19;65] асарини ўрганиб нашрға тайёрлаган. Тадқиқотчи асарни нашрға тайёрлаш жараёнида дастлаб китобнинг аҳамияти хусусида муқаддима келтирган. Оятларнинг қайси сурода экани, уларнинг рақами, муаллиф келтирган ҳадисларнинг даражаси, китоб матнида баъзи сўзларнинг ҳаракатларини қўйиш, изоҳтабап сўзларни шарҳлаш, асарда келган олимларнинг таржимаи ҳоли каби маълумотларни ҳам келтириб ўтган”[19;65].

Бир нечта тафсир китобларини таҳқиқ қилиб нашрға таёrlаган Моҳир Адип Ҳаббуш 2019 йилда Абу Ҳафс Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарини нашр қилди. Тадқиқотчи асарни нашрға тайёрлаш асносида китобнинг ҳақиқатдан ҳам муаллифга тешгишли экани, ушбу тафсир китоби ҳақида келган манбалар, бошка тафсирлардан ажralиб турадиган хусусиятлари, тафсирни ёзишда ёндашилган услугуб, тадқиқот жараёнида таянилган қўлёзма нусхалар ҳақида маълумот бериб ўтган[20;37].

Миср Араб Республикасининг Минуфия университети ўқитувчиси доктор Аммод Ҳасан Марзуқ 2016 йилда Абу Ҳафс Насафийнинг “Матлаъ-ун-нужум ва мажмा-ул-улум” асарининг қўлёзма нусхасини тадқиқ қилиб чиқкан. Тадқиқотчи 2012-2013-йиллар мобайнида Тошкентдаги Миср Маданият Марказида фаолият олиб борган вақтларида Ўзбекистон фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик қўлёзмалар институтида 1462 рақам остида

сақлананаётган қўлёзмани ўрганиб чиққанини айтган[21;3]. Ушбу асарнинг ўганилиши ниҳоясига етмаган.

Шунингдек, доктор Исмоил Абдабbos 2018 йилда Абу Ҳафс Насафийнинг “Шарҳу мадор-ил-усул” асари устида тадқиқот олиб бориб, нашр этган. Тадқиқотчи изланишларида ушбу асарнинг асоси Имом Кархий томонидан ишлаб чиқилган қирқта фиқхий қоидаларни Абу Ҳафс Насафий шарҳлаганини келтириб ўтган[22;9]. Ушбу асарни Самих Туқодий 2021 йилда “Шарҳу усул-ил-Кархий” деган ном билан тадқиқ қилиб нашр этган. Тадқиқотчи ушбу ишни бажаришда тўртта қўлёзма манбаларга таянганини айтиб ўтган. Аслини олиб қараганда ҳар иккиси бир китоб бўлиб, Абу Ҳафс Насафий ушбу асарида Имом Кархий томонидан тузилган қирқта фиқхий қоидаларни шарҳлаган.

Алломанинг илмий меросини ўрганишга ўз ҳиссасини кўшган тадқиқотчилардан яна бири доктор Аммод Қадрий Иёзий бўлиб, у Абу Ҳафс Насафийнинг “Ҳаср-ул-масоил ва қаср-уд-далоил” асарини тадқиқ қилган. Аслида ушбу китоб олимнинг “ал-Манзума фи-л-ҳилофиёт” китобининг шарҳи ҳисобланади. Муаллиф шеърий услубдаги китобини ёзиб бўлганидан сўнг биринчилардан бўлиб ўзи унга шарҳ ёзади. Тадқиқотчи асарни ўрганишда асосан иккита қўлёзма нусхага таянганини айтиб ўтган[23;26]. Шунингдек, тадқиқотчи Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид Асмандий Самарқандий томонидан ушбу асарга ёзилган шарҳга мурожаат қилган. Ушбу олим ҳам ўз шарҳига “Ҳаср-ул-масоил ва қаср-уд-далоил” деб ном қўйган. Икки китобнинг ўхшашлик жиҳатлари кўп. Асарда келган олимларнинг таржимаи ҳоли, тушунарсиз сўзларнинг шарҳи, оятларнинг рақами ва ҳадисларни ким ривоят қилгани каби изланишларни олиб борган.

Абу Ҳафс Насафийнинг илмий мероси билвосита бошқа асарлар зимнида ҳам тадқиқ қилинган. Ҳусусан, аллома Саъдуддин Тафтазонийнинг “ал-Ақоид-ун-Насафий”га ёзган шарҳи 1988 йилда Аҳмад Ҳижозий Саққо томонидан ўрганилиб нашр қилинди. Шунингдек, ушбу асарни Суриялик тадқиқотчи Муҳаммад Аднон Дарвеш ҳам 2020 йил тадқиқ этиб нашр қилган.

Абу Ҳафс Насафийнинг илмий меросини тадқиқ этган изланувчилардан яна бир Оиша Ҳумайро Аслантурк бўлиб, у 1995 йилда Туркиянинг Мармара



университетида “Абу Ҳафс Умар Нажмиддин Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” номли асарининг таҳлили ва ал-бақара сурасининг танқидли нашри” мавзусида докторлик ишини ҳимоя қилган.

Ана шундай изланувчилардан яна бири Заид ал-Бадарен 2019 йилда Туркияning Трабзон университетида “Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ан-Насафининг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” номли асарининг таҳқиқ ва таҳлили (Нисо сураси)” мавзусида докторлик ишини ҳимоя қилган.

Абу Ҳафс Насафийнинг ушбу “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарининг биринчи жилди 2019 йил доктор Мухаммад Жошқун томонидан турк тилига таржима қилинган. Таржима асносида асарнинг араб тилидаги матни ҳам келтирилиб, бошқа нусхалар билан қиёсий таҳлил олиб борилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг кўплаб соҳалар қатори қадимий қўлёзмалар ва илмий меросни ўрганишга катта эътибор қаратди. Шулар қаторида Абу Ҳафс Насафийнинг илмий мероси ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Аллома турли соҳаларга доир юздан ортиқ асарлар тасниф этгани унинг илмий салоҳияти қай даражада юқори эканини кўрсатади[1;19]. Кейинги давр уламолари Абу Ҳафс Насафийнинг илмий меросидан кенг фойдалангани эса, унинг аҳамиятини янада оширади.

Бу борада биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Халқаро ислом академияси ўқитувчиси т.ф.н. доц. Д.Рахимжонов “Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “қитоб ал-қанд фи ма’рифат ‘уламо’ самарқанд” асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба” мавзусида тадқиқот олиб борди. Тадқиқотчи “Абу Ҳафс ан-Насафий ва унинг “Қитоб ал-қанд” асари” деб номланган биринчи бобни муаллифининг ҳаёти, ижоди, илмий фаолияти, унинг ҳадис илмida тутган ўрни ҳамда унинг “Қитоб ал-қанд” асари ва унинг қўлёзмалари, босма нашрлари ҳақида батафсил маълумот беришга бағишлиган[1;9-48].

“Ҳадис илмининг Самарқандга кириб келиши ва ривожланиши (VIII-X асрлар)” деб номланган иккинчи боб шаҳарнинг илк исломлашувидан Қорахонийлар (999-1219) даврига қадар бўлган ҳадис илмининг ҳолатини таҳлил этишга бағишлиган.

“XI-XII асрларда ҳадис илми” деб номланган учинчи бобда Қорахонийлар даврида мухаддисларнинг Самарқанд ижтимоий-сиёсий

ҳаётида тутган ўрни, ҳадис илмининг тарихи ҳақида сўз боради.

Тадқиқот давомида Д.Рахимжонов диссертацияда асосан Назар Муҳаммад Форёбийнинг 1991 йилда “ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд” номи остида нашрга тайёрлаган иши ҳамда Юсуф ал-Ходийнинг 1999 йилда “Китоб-ул-Қанд фи зикр уламо Самарқанд” номи билан нашрга тайёрлаган асардаги маълумотларга таянгани маълум бўлди[1;10].

Абу Ҳафс Насафийнинг илмий меросини ўргангандан ўзбекистонлик мутахассислардан яна бири С.А.Муҳаммадаминов бўлиб, у 2012 йил Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида “Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-‘улум” асари ва унинг Марказий Осиё ислом илмлари ривожида тутган ўрни (XI аср охири – XII аср ўрталари)” мавзусида тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияни ҳимоя қилди.

Тадқиқотчи “XI аср охири – XII аср Асрларда Мовароуннаҳрда диний муҳит” деб номланган биринчи бобида олим яшаган даврда Мовароуннаҳрда ислом илмлари тараққиёти ва унинг ҳаёти ва илмий меросини ўргангандан[29;14-51].

“Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-‘улум” асари” деб номланган иккинчи бобда эса, “Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-‘улум” асарининг кодикологик хусусиятлари ва асарнинг таркиби тузилишини очиб берган.

Тадқиқотчи учинчи бобни “Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-‘улум” асарида ислом илмларининг таҳлилига ажратиб, унда калом, тасаввуф, куръон, фикҳ ва ҳадис илмларининг ўзига хос жиҳатларини ёритган.

Абу Ҳафс Насафийнинг илмий меросини ўргангандан яна бир тадқиқотчи А.А.Аллоқулов 2018 йил Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари ва унинг шарҳлари таҳлили” мавзусида фалсафа фанлари доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертацияни ҳимоя қилган.

Тадқиқотчи “Абу Ҳафс Насафий меросининг ислом илмлари ривожида тутган ўрни (XI-XII асрлар)” деган биринчи бобида XI-XII асрларда Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва илмий муҳити, Мовароуннаҳр илмий ҳаётида Абу



Ҳафс Насафийнинг тутган ўрни, Олимнинг илмий мероси ва асарлари таснифини ўрганган.

“Абу Ҳафс Насафий “Ақоид” асарининг кодикологик хусусиятлари ва қиёсий таҳлили” деган иккинчи бобда ҳанафий-мотуридийлик таълимоти ривожида “Ақоид” асарининг аҳамияти, “Ақоид” асари қўлёзмаларининг манбашунослик тавсифи, “Фикху-л-акбар” ва “Ақоид” асарларининг қиёсий таҳлили каби мавзуларни ёритган.

“Ақоид” асарининг шарҳлари ва ихтилоғли ақидавий масалалар талқини” деган учинчи бобда “Ақоид” асарига ёзилган шарҳларнинг манбашунослик таҳлили, асар матни таржималари ва замонавий шарҳлари тавсифи, “Ақоид” асари шарҳларининг дин ниқоби остидаги экстремистик оқимларга қарши курашдаги ўрнини очиб берган.

Абу Ҳафс Насафийнинг илмий меросини ўрганган тадқиқотчилардан яна бири А.Муратов 2021 йилда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Абу Ҳафс Насафий “Тайсир фи-т-тафсир” асарининг манбашунослик тадқиқи” мавзусида диссертация ишини ҳимоя қилди.

Тадқиқотчи “Абу Ҳафс Насафий илмий меросини ўрганишнинг илмий-назарий асослари” деган биринчи бобда Мовароуннахрда тафсирнинг ишорий услуби ва унинг ўзига хос жиҳатлари, “Тайсир фи-т-тафсир” асарининг Мовароуннахр тафсиршунослигидаги аҳамияти, асарда Куръоншуносликка доир сабаби нузул ва қироат илмларининг ёритилиши каби мавзуларни очиб берган[31;14-57].

“Абу Ҳафс Насафий “Тайсир фи-т-тафсир” асарининг кодикологик хусусиятлари” деган иккинчи бобда “Тайсир фи-т-тафсир” қўлёзмаларининг манбашунослик тадқиқи, асарнинг манбалари ва уларнинг қиёсий таҳлили ва ушбу китоб манба бўлиб хизмат қилган асарлар хақида маълумотлар ўрганилган.

“Тайсир фи-т-тафсир”нинг замонавий диний-маърифий ҳаётдаги аҳамияти” деган учинчи бобда эса, асарда ижтимоий масалаларнинг ёритилиши, калом илмига оид тушунчаларнинг қиёсий таҳлили ҳамда мўътадил тасаввуфий қарашларнинг тафсирдаги ўзига хос хусусиятлари баён этилган.

Тадқиқотчи олимнинг тафсир илмига оид қарашларини ўрганишга катта урғу қаратган. Бу

борада нафақат тафсир илми балки, қироатларга ҳам мурожаат қилиб асарда уларнинг талқин этилишини ўрганган.

Абу Ҳафс Насафийнинг илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган асарлари ҳам кейинги давр тадқиқотчилари томонидан аниқланмоқда. Ҳ.Аминов ва С.Муҳаммадаминовлар томонидан олимнинг “Таҳсили усул ал-Фикх” деган асари мавжуд экани исботланди[32;22]. Ушбу икки олим асарнинг танқидий матнини таёrlab, ўзбек тилидаги таржимаси билан нашр этишди. Уларнинг таъкидлашича шу вақтга қадар олимнинг усул ал-Фикхга доир “Шарҳи усул ал-Кархий” асари бор деб айтилган. А.Мўминовнинг ёзишича олим бу асарда Кархийнинг “Рисола” асаридаги 39 та фикҳий қоидани шарҳлаган[33;68]. Ушбу асарнинг замонавий нашрларига қаралса, фикҳий қоидалар 40 тани ташкил қиласди. Балки, А.Мўминов фойдаланган манбада 39 та фикҳий қоида деб кўрсатилган бўлса, тадқиқотчи шунга асосланиб маълумот келтирган. Ҳ.Аминов ва С.Муҳаммадаминовлар эса, А.Мўминов келтирган маълумотларга асосланган.

Ушбу асарга туркиялик тадқиқотчи Баҳаддин Каракуш ҳам эътибор қаратган ва унинг танқидий матнини нашрга тайёрлаган. Унинг аниқлашича ушбу асарнинг иккита нусхаси бўлиб, бири Хиндистонда, иккинчиси Ўзбекистонда сақланади. Тадқиқотчи Хиндистондаги нусхадан фойдалана олмагани, Ўзбекистондаги нусхадан фойдаланганини таъкидлаб ўтган[34;157]. Ўзбекистонлик ва туркиялик тадқиқотчилар тайёрлаган матн қиёсий таҳлил қилинганда туркиялик тадқиқотчининг иши сифатли эканини кўриш мумкин.

Юқоридаги тадқиқотдан маълум бўладики, Абу Ҳафс Насафийнинг илмий меросига олимлар томонидан эътибор берилган ва бу изланишлар давом этмоқда. Тадқиқотимиз обьекти қилиб олинган “ал-Явоқит фи-л-мавоқит” асари ҳам олимнинг ҳали ўрганилган асарларидан бири ҳисобанади. Ушбу асарнинг қўлёзма нусхалари дунё фондларида кам сонда сақланаётгани, ЎзФА Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик қўлёзмалар институтида сақланаётган нусхаси эса, ноёб эканлиги билан тадқиқотнинг аҳамиятини оширади.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс Насафий ва унинг “Китоб ал-қанд” асари / монография. Т.:Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа үйи, 2020.
2. Заҳабий. Сиyr аълом-ин-нубало. Иордания: Байт-ул-афкор-ид-дувалия. 2009. Ж.20.
3. Самъоний. ат-Таҳбир. Бағдод: Риосату дуюн-ил-авқоф. 1975. Ж.1.
4. Ёқут Ҳамавий. Муъжам-ул-удабо. Байрут: Дор-ул-гарб-ил-исломий. 1993. Ж.16.
5. Заҳабий. Ал-Иъбар. Байрут: Дор-ул-кутуб-ил-илмия. 1985. Ж.4.
6. Ёғиъий. Миরъот-ул-жинон. Байрут: Дор-ул-кутуб-ил-илмия. 1997. Ж.3.
7. Ибн Ҳажар Аскalonий. Лисон-ул-мезон. Ҳалаб: Мактабат-ул-матбуъот-ил-исломия. 2002. Ж.4.
8. Довудий. Табақот-ул-муфассирин. Байрут: Дор-ул-кутуб-ил-илмия. 1983. Ж.2.
9. Тошкўпирзода. Мифтоҳ-ус-саъодат. Байрут: Дор-ул-кутуб-ил-илмия. 1985. Ж.1.
10. Ибн Имод. Шазарот-уз-захаб. Байрут: Дору Ибн Касир. 1986. Ж.4.
11. Абдулқодир Кураший. Жавоҳиру-л-музия фи табақоти-л-ҳанафия. Даммом: Дору хижр. 1993. Ж.1.
12. Қосим ибн Қутлубғо. Тожу-т-тарожим фи табақоти-л-ҳанафия. Байрут: Дор-ул-қалам. 1992. Б.
13. Жалолиддин Суютий. Табақоту-л-муфассирин. Қохира: Мактабату ваҳба. 1976.
14. Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Байрут: Дор ихё-ит-туроҳ-ил-арабий. 1999.
15. Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоиду-л-баҳия фи табақоти-л-ҳанафия. Байрут: Ширкат дор-ил-Арқам ибн-ил-Арқам. 1998. Б. 149-150.
16. Умар Ризо Каҳола. Муъжам-ул-муаллифин. Байрут: Муассасат-ур-рисола. 1993. Ж.7.
17. Абу Ҳафс Насафий. Ал-Қанд. Назар Мұхаммад Форёбий таҳқиқи. Риёз: Мактабат-ул-кавсар. 1991.
18. Абу Ҳафс Насафий. Ал-Қанд. Юсуф ал-Ходий таҳқиқи. Техрон: Мирот-ут-туроҳ. 1999.
19. Абу Ҳафс Насафий. Тилбат-ут-талаба. Холид Абдураҳмон Акк таҳқиқи. Байрут: Дор-ун-нафоис. 1995.
20. Абу Ҳафс Насафий. Ат-Тайсир фи-т-тағсир. Моҳир Адіб Ҳаббуш таҳқиқи. Байрут: Дор-ул-лубоб. 2019.
21. Аммод Ҳасан Марзуқ. Махтут Матлаъ-ун-нужум ва мажмаъ-ул-улум. Миср: 2020.
22. Абу Ҳафс Насафий. Шарху мадор-ил-усул. Исмоил Абдаббос таҳқиқи. Туркия. 2018.
23. Абу Ҳафс Насафий. Ҳаср-ул-масоил ва қаср-уд-далоил. Аммод Қадрий Иёзий таҳқиқи. Байрут: Мактабату дор-ил-ғажр. 2019.
24. Саъдуддин Тафтазоний. Шарх-ул-Ақоид-ун-Насафийя. Аҳмад Ҳижозий Саққо таҳқиқи. Қохира: Мактабат-ул-куллиёт-ил-азҳария. 1988.
25. Саъдуддин Тафтазоний. Шарх-ул-Ақоид-ун-Насафийя. Мұхаммад Аднон Дарвеш таҳқиқи. Истанбул: Дор-ус-сирож. 2020.
26. Оиша Ҳумайро Аслантурк. Абу Ҳафс Умар Нажмиддин Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тағсир” номли асарининг таҳлили ва ал-бақара сурасининг танқидли нашри. Туркия: Мармара университети. 1995.
27. Заид ал-Бадарен. Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ан-Насафининг “ат-Тайсир фи-т-тағсир” номли асарининг таҳқиқ ва таҳлили (Нисо сураси). Туркия: Трабзон университети. 2019.
28. Necmeddin Ömer en-Nesefi. Et-Teysir fi’t-tefsir. Muhammad Coşkun tehkeki. Türkiye. Yazma eserler kurumu başkanlığı. 2019.
29. Мұхаммадаминов С. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Матла‘ ан-нужум ва мажма‘ ал-‘улум” асари ва унинг Марказий Осиё ислом илмлари ривожида тутган ўрни (XI аср охири – XII аср ўрталари). Тарих фанлари номзоди илмий даражаси учун – Т.: Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. 2012.
30. Аллоқулов А. Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари ва унинг шархлари таҳлили. Фалсафа фанлари доктори (PhD) ... дис. – Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси. 2018.
31. Муратов А. Абу Ҳафс Насафий “Тайсир фи-т-тағсир” асарининг манбашунослик



- тадқиқи. Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дис. – Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси. 2021.
32. Абу Ҳафс Насафий. Таҳсили усул ал-фиқҳ. Тарж. Ҳ.Аминов ва С.Муҳаммадаминов. Т.: Ношир. 2015.
33. Муминов А. Роль и место ханафитских улем в жизни городов центрального Мавараннахра (II–VII/VIII–XIII вв.) Дисс. на соиск. уч. степ. д-ра истор наук. – Т., 2003.
34. Баҳаддин Каракуш. Нажмиддин ан-Насафийнинг “Таҳсил усул ал-фиқҳ ва тафсил ал-мақолот фиҳа алал-важҳ” номли фиқҳ усули рисоласи: таҳқиқ ва аниқлаш. Туркия.